

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**НАБИЕВ САЙДИҒАНИ МУХТОРОВИЧ**

**ҒЎЗАНИНГ ТУПРОҚДАГИ СУВ ТАНҚИСЛИГИГА  
МОСЛАШУВИНИНГ МОРФОФИЗИОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.09- Умумий генетика  
03.00.07- Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Набиев Сайдиғани Мухторович**

Вўзаниғ тупрокдағи сув танқислиғиға мослашувиниғ  
морфoфизиолоғик ва генетик хусусиятлари..... 3

**Набиев Сайдиғани Мухторович**

Морфoфизиолоғические и генетические особенности адаптации  
хлопчатника к дефициту почвенной влаги..... 29

**Nabiev Saydigani Mukhtorovich**

Morphophysiological and genetical properties of adaptation of cotton to  
water deficit in soil..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 60

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**НАБИЕВ САЙДИҒАНИ МУХТОРОВИЧ**

**ҒЎЗАНИНГ ТУПРОҚДАГИ СУВ ТАНҚИСЛИГИГА  
МОСЛАШУВИНИНГ МОРФОФИЗИОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.09- Умумий генетика  
03.00.07- Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/B20 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Ризаева Сафия Мамедовна**

Биология фанлари доктори, профессор

**Усманов Рустам Махмудович**

Биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сафаров Карим Сафарович**

Биология фанлари доктори, профессор

**Автономов Виктор Александрович**

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

**Холлиев Асқар Эргашович**

Биология фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz)).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А.Нариманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор

**Б.Х.Аманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, б.ф.д.

**Ш.Юнусханов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар  
раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳаво ҳароратининг муттасил ошиб, кучайиб бораётган сув танқислиги туфайли қурғоқчил майдонларнинг кенгайиб бораётганини ўз ичига олган глобал иқлим ўзгариши дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларида 32-34 млн.га ерда етиштириладиган ва йилига жаъми 25 млн. тоннадан ортиқ тола маҳсулоти берадиган жаҳоннинг энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларидан бири ҳисобланадиган ғўза экини ҳосилининг салмоғи ва сифатини пасайишига олиб келмоқда. Дунё миқёсида аллотетраплоид ғўзанинг асосан икки тури – *Gossypium hirsutum* L. (ўрта толали ғўза) ва *Gossypium barbadense* L. (узун толали ғўза) етиштирилади.

Жаҳонда пахтачиликнинг янада ривожланиши учун генетик ишларни физиологик тадқиқотлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилишига катта эътибор берилмоқда. Тадқиқот объекти сифатида ғўзанинг маҳаллий ва хорижий навлари, туричи ва турлараро чатиштириш асосида олинган дурагай популяциялари ва линияларининг катта коллекциясидан иборат генофонддан кенг фойдаланилмоқда. Бунда илмий изланишлар асосан узун толали ғўзага нисбатан ҳосилдорлиги ва тезпишарлиги билан устун бўлган ўрта толали ғўза бўйича олиб борилмоқда. Узун толали ғўза ўрта толали ғўзага нисбатан юқори сифатли толага эга, бироқ кечпишарроқ ва камроқ ҳосил беради. Узун толали ғўзанинг бундай салбий хусусиятларини бартараф этиш ҳамда бу турлар навларини ташқи муҳитнинг асосий стресс омили - сув танқислигига чидамлилигини ошириш учун қурғоқчиликка чидамлиликнинг генетик, физиологик ва молекуляр-генетик асослари соҳасида кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилмоқда, қурғоқчиликка чидамли янги генетик манбаларни аниқлаш ва селекция жараёнига жалб қилишга катта эътибор берилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамиз олимлари томонидан ғўзанинг қимматли-хўжалик белгиларининг мажмуасига эга қатор янги навлари яратилди. Бу навлар ҳосилдорликни ва ҳосил сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этдилар. Шу билан бирга, республикамиздаги сув захираларининг чекланганлиги билан боғлиқ бўлган экологик ҳолат қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан ғўзанинг яратилаётган янги навларининг мослашувчанлик потенциалини оширишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларига мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда ғўзанинг тупроқдаги сув танқислигига мослашувининг генетик ва морфобиологик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган фундаментал тадқиқотларни олиб бориш долзарб ва зарурий аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ЎзР ВМ нинг 2019 йил 12 декабрдаги 985-сонли «2020 йилда ғўза навларини жойлаштиришнинг ва пахта етиштиришнинг прогноз хажмлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишнинг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

*Gossypium* L. туркумига мансуб ғўза турларида туричи ва турлараро дурагайлашда генетик потенциални ва ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамлилиқни ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Техас механика ва қишлоқ хўжалиги университетида (АҚШ), Шимолий Техас университетида (АҚШ), Миссиссипи давлат университетида (АҚШ), Southern Plants Agricultural Research Center (АҚШ), АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти илмий тадқиқот марказларида (USDA-ARS), Буэнос-Айрес университетида (Аргентина), Нанкин қишлоқ хўжалик университетида (Хитой), Cotton Research Institute (Миср), Central Cotton Research Institute (Покистан), Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University (Хитой), Экология ва география институтида (Хитой), Institute for Agricultural Research (Нигерия), Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Cotton Research Institute (Туркия), University of Sydney (Австралия), Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги университетида (New Delhi), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Геномика ва биоинформатика марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ўзанинг муҳит ноқулай омилларига мослашувчанлиги ва чидамлилигини ўрганишга оид жаҳонда олиб борилган изланишлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига қурғоқчиликнинг таъсири аниқланган (Буэнос-Айрес университети, Аргентина), ҳар бир нав ва ҳудуд учун энг оптимал агрономик услублар ишлаб чиқилган (Cotton Research Institute, Миср), ғўзанинг геномлараро тизмалари тавсифланган, уларнинг қимматли-хўжалик белгилари баҳоланган, қимматли бошланғич манбалар аниқланган ва қатор навлар яратилган (Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.arc.sci.eg>, [www.gfar.net](http://www.gfar.net), <http://www.ccrim.org.pk>, <http://www.ipaperu.org>, <http://www.mascotton.njau.edu.cn>, [www.ars.usda.gov](http://www.ars.usda.gov), [iar.abu.edu.ng](http://www.abu.edu.ng), <http://www.cicr.org.in>, [www.gfar.net](http://www.gfar.net) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институти (Ўзбекистон), УАК популяцияларининг қурғоқчиликка чидамли ва чидамсиз генотиплари аниқланган (Геномика ва биоинформатика маркази (Ўзбекистон).

Дунёда ғўзанинг абиотик стресс омилларга чидамлилиги бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли агроэкологик шароитларда морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, ўрта ва ингичка толали ғўзанинг хилма-хилликларидан селекция жараёнида бошланғич манба сифатида фойдаланиш, ғўза гермплазмаси генетик потенциалини ўрганиш ва уни геном технологиялари ёрдамида селекцион дастурларга жалб этиш, анъанавий ва ноанъанавий генетик-селекцион усуллар ва замонавий МАС технологиялари асосида қимматли-хўжалик белгилари ва мослашувчанлик хусусиятлари мажмуасига эга янги навларни яратиш ва ҳ.к.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрта толали ғўзада қурғоқчиликка чидамлилигининг баъзи генетик жиҳатлари қатор олимлар ишларида баён этилган (Н.Г. Симонгулян, 1973, 1977, 1991; А.Р. Вентура, 1984; А.А. Имамалиев, 1991; Н.Г. Губанова ва бошқалар, 1997, 2009; Н.Н. Санаев, 2017; Н.Н. Санаев ва бошқалар, 2016, 2017). Қурғоқчиликка чидамли манбалар селекцияси J.E. Quisenberry et al (1981); J.E. Quisenberry, V. L. Mc Michael (1991); У.Айтжанов, Б.Бердиев (2006); Т.Усманов, М.Л. Икромова (2008); Т.Т. Усманов ва бошқалар (2009); В.Т. Campbell et al (2010); Л.В. Семенихина ва бошқалар (2014); С.С. Алиходжаева, Б.К. Мадартов (2016); N.N. Sanaev (2018); В.К. Madartov et al (2018) ва бошқалар томонидан олиб борилган. Ғўзанинг қимматли-хўжалик белгиларини яхшилашда мураккаб дурагайлашнинг самарадорлиги қатор тадқиқотчилар (Б.Аллашов ва бошқалар, 2006а, 2007; З. Рахмонов, Ш. Номозов, 2006; А.Р. Сиддиқов, 2003; Э. Тухтаев ва бошқалар, 2009; П.Ш. Ибрагимов ва бошқалар, 2010; 2013; Sh.E. Namazov et al, 2014) томонидан ўрганилган. Ғўза миқдорий белгиларининг экологик шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгаришини М.Д. Джумаев ва Ю. Толизов (1986); D.A. Loka et al. (2011) лар тадқиқ қилишган. Ўрта толали ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилигининг баъзи физиологик - биокимёвий жиҳатлари қатор олимлар (Х.С. Самиев, 1979, 1984, 1987, 1991, 2010; Х.С. Самиев ва бошқалар, 1982; 1984; 1996; 2005; Е.А.Попова ва бошқалар, 1984; К.Г. Марфина, Х.С. Самиев, 1984; Д.Х.Ходжаев ва А.Э.Холлиев, 1991, 1999; M.W. Van Iersal, D.M. Oosterhuis, 1996; С.М. Газиянц, О.Ж. Жалилов, 1996; Р.М. Усманов, 1997; Y. Saranga et al, 1998, 2004; W.T. Pettigrew, 2004; S.A. Liver et al, 2007; А.Э.Холлиев ва бошқалар, 2005, 2011, 2015; А.Э.Холлиев, 2008, 2009а, 2009б, 2009в, 2011; V.Parkhi et al, 2009; И.С.Каримова, 2009; У.С.Косимов, 2009; М. Тожиев ва бошқалар, 2009; О.Э. Кучкаров ва бошқалар, 2012; А.Э. Холлиев, У.Т. Норбаева, 2012; Н.Н. Санаев, Ш. Юнусханов, 2016а, 2016б; Н.Н. Санаев ва бошқалар, 2016; Н.Н. Санаев, 2017) томонидан ўрганилган. Турлараро дурагайлаш (*G.barbadense*

L. x *G.hirsutum* L.) ning tashqi muhit stress omillariga chidamlilikni oshirishdagi ahamiyati F.Wang et al (2011) tomonidan ʻrganilgan.

*G.barbadense* L. turida genetik-sелекцион tadqiqotlar qator olimlar (Sh.B. Amanurdiev, 1994, 1995, 1998; D.K. Babayev, 1998; O.X. Kimsanbayev, 2001; Vik.A. Avtonomov va boshqalar, 2009, 2010; M. Kimsanbayev, Vik. A. Avtonomov, 2009; O.X. Kimsanbayev, M.X. Kimsanbayev, 2009; M.Ulloa et al., 2009; Vik. A. Avtonomov, 2010; T.I. Muxiddinov, 2010; T.I. Muxiddinov va boshqalar, 2010, 2015, 2016; M.X. Kimsanbayev, 2011; K.F. Abdellatif et al., 2012; B.X.Amanov, A.A. Abdulloev, 2014; B.X. Amanov, F.P. Abdiev, 2016; A.A. Amanov va boshqalar, 2016a, 2016b, 2018a, 2018b; K.P. Dhamayanthi and K.Subashree, 2016; K.O. Xudarganov va boshqalar, 2017; A.X. Choriev va boshqalar, 2017; J.X. Axmedov, X.Chorieva, 2018; V.Kh. Amanov, 2018; V.Kh. Amanov, Sh.A. Samanov, 2018; B.K. Madartov va boshqalar, 2018) tomonidan olib borilgan.

Biroq, ʻrta tolali geografik uzoq ʻza navlari va ularning duragaylarida tuprokdagi suv tankisligiga moslashuvchanlikning morfofiziologik va genetik xususiyatlarini ʻrganiш, bu genotiplarning chidamlilik darajasini aniqlash, suv rejimiga bogliq ravishda oddiy va murakkab duragaylarda fiziologik va morfoxujalik belgilarining irsiylanishi, ʻzgaruvchanligi va korrelyatsiya xarakterini, uruш shakllanishi va ʻsimliklarni etishtirishda suv bilan taʻminlanganlik sharoitlarining fiziologik va morfobiologik belgilarining namoʻn bulishi va irsiylanishiga taʻsirini, ʻza ʻrta va ingichka tolali navlari va tizmalarining suv bilan kam taʻminlanganlik sharoitlariga taʻsirchanlik darajalarini ʻrganiш bʻyicha tadqiqotlar etarli darajada olib borilmagani.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Генетика ва ʻsimliklar eksperimental biologiyasi instituti ilmiy-tadqiqot ishleri rejalarining 6Ф.2.34.12 «Қимматли-хўжалик белгилари бʻyicha репродуктив гетерозиснинг генетик механизмларини ʻrganiш ва интенсив типли ʻza duragaylari va liniyalарини яратиш» (1997-1999), 5Ф.2.34.12 «Ғўза гетерозиси, мухитнинг ʻzгараётган шaroitlariga moslashuvi, viltga chidamliligi, citoэмбриологияси ва тола ривожланишининг генетик асосларини тадқиқ этиш» (2000-2002), Ф4.1.35 «Ғўзанинг ресурс тежовчи навларини яратиш учун морфoфизиологик ва қимматли-хўжалик белгиларини генетик ʻrganiш ва яхшилаш» (2003-2007), ФА-4Ф-Т-134 «Ғўзанинг мухит ноқулай шaroitlariga chidamli, қимматли-хўжалик белгиларининг мажмуасига эга навларини яратиш учун moslashuvchanlik селекциясининг генетик асосларини ʻrganiш ва донор генотипларни излаш» (2007-2011), Ф5-ТО25 «ʻrta tolali ʻza navlari, liniyalari, navnamunalari va ularning duragaylarida қурғoқчилик ва viltga chidamlilikning fiziologik va генетик асосларини ʻrganiш» (2012-2016); Швейцария илмий тадқиқотлар



фонди (SNF) гранти (2002-2004), INTAS №04-82-7192 «Маданий ўсимликлар фотосинтетик аппаратининг сув стрессига мослашуви ва акклиматизацияси» (2005-2008) ва ЎзР ФА Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фондининг 87-08 «Ўзанинг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари янги линияларида қурғокчиликка чидамликни таъминлайдиган морфобиологик белгиларни аниқлаш» (2008-2009) мавзуларидаги фундаментал ва ҳалқаро лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзанинг тупроқдаги сув танқислигига мослашувининг морфофизиологик ва генетик хусусиятларини аниқлаш, ўрта ва ингичка толали ўза навларини яратиш иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*G. hirsutum* L. тури географик узоқ навларининг физиологик ва морфоҳўжалик белгилари бўйича сув танқислигига генотипик реакциясини аниқлаш ва  $F_1$ - $F_2$  ўсимликларида белгиларнинг гибридологик таҳлилини ўтказиш;

ўрта толали ўза бошланғич шакллари, уларнинг оддий ва мураккаб  $F_1$  дурагайларининг сув билан кам таъминланганлик шароитларига мослашувининг морфофизиологик ва генетик хусусиятларини, маҳсулдорликнинг  $F_2$  авлодида ўзгариш кўламини аниқлаш;

ўрта толали ўзада уруғ шаклланиши ва ўсимликларни етиштиришда сув билан таъминланганлик шароитларининг физиологик ва морфоҳўжалик белгиларнинг намоён бўлиши ва ирсийланишига таъсирини аниқлаш;

ўрта толали ўза навлари ва линияларининг физиологик ва морфоҳўжалик белгилари бўйича тупроқдаги сув танқислиги шароитларига генотипик реакцияларини аниқлаш;

*G.barbadense* L. ва *G. hirsutum* L. навларининг физиологик ва морфоҳўжалик белгилари бўйича сув билан кам таъминланганлик шароитларига мослашуви хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш ва уларнинг турлараро  $F_1$  дурагайларида маҳсулдорлик бўйича мослашувчанлик гетерозисининг самарасини баҳолаш;

ингичка толали ўза янги линияларининг морфофизиологик ва кимматли-хўжалик белгилари бўйича сув танқислиги шароитларига генотипик реакцияларини аниқлаш;

янги ўрта ва ингичка толали ўза навларини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *G. hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларининг географик узоқ ва маҳаллий навлари, уларнинг  $F_1$ -  $F_2$  авлодлари ўсимликлари, ўрта ва ингичка толали ўза линияларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ўзанинг *G. hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари навлари, тизмалари ва дурагайларининг тупроқдаги сув танқислигига мослашувининг морфофизиологик ва генетик хусусиятларининг таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ўзанинг классик генетик-селекцион усуллари, туричи ва турлараро дурагайлаш, гибридологик таҳлил

усуллари, ўсимликлар физиологияси, қиёсий морфологияси, фенологик кузатувлар ва генетик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор панжасимон қирқимли баргли ғўза навлари, панжасимон қиртикли ва панжасимон қирқимли баргли навларни чапиштиришдан олинган панжасимон қирқилган баргли  $F_1$  дурагайлари тупроқдаги сув танқислигига барглардаги сув миқдори ва транспирация жадаллигининг камайиши ва баргларнинг сув тутиб туриши хусусиятининг ошиши билан мослашишлари аниқланган;

ўсимликлар сув алмашинувининг физиологик белгилари дурагайлarning  $F_1$  авлодида турли даража ва йўналишдаги тўлиқсиз, тўлиқ ва ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланиши аниқланган, реципрок фарқланишларнинг мавжудлиги асосида бу белгиларнинг бошқарилишида цитоплазма генларининг иштирок этиши исботланган;

тупроқдаги сув танқислигига  $F_1$  авлодида чидамсиз бўлган дурагай комбинациянинг  $F_2$  авлодда чидамлилигининг ошиши мослашувчанлик жараёнларига жавоб берадиган генларнинг рекомбинацияси ва ижобий бирикиши асосидаги кенг морфогенетик шаклланиш жараёни билан боғлиқлиги аниқланган;

уруғларнинг сув билан кам таъминланганлик шароитларида шаклланиши кейинги авлодда ўсимликларнинг физиологик ва қимматли-хўжалик кўрсаткичларига, уларнинг ирсийланишига таъсир этиши ва кўпчилик генотипларнинг тупроқдаги сув танқислигига яхшироқ мослашувини таъминлаши аниқланган;

илк бор генетик кўрсаткичлар – доминантлик коэффициенти ва гетерозис самараси даражалари ва йўналишлари, корреляция ва вариация коэффициентлари генотипик таркиб билан бир қаторда уруғ шаклланиши ва ўсимликларни етиштиришдаги сув билан таъминланганлик шароитларига ҳам боғлиқ бўлиши аниқланган;

ғўза генотиплари тупроқдаги сув танқислигига чанокларнинг солиштирма сатҳ зичлиги, кўк кўсақлардаги сув миқдори ва барглардаги хлорофилл «б» миқдори белгилари бўйича кучсиз, умумий хлорофилл ва хлорофилл «а» миқдорлари, хлорофилл а/б нисбати бўйича турлича таъсирчанликлари, хлорофилл флуоресценциясининг ошиши баргларнинг фотосинтетик фаолиятига салбий таъсир этиши аниқланган;

ингичка толали навлар ва тизмаларнинг мослашувчанлик қобилиятлари бўйича генетик полиморфизм мавжудлиги, чидамсиз генотипларнинг сув стрессига фотосинтез жадаллиги бўйича кучли таъсирчанликлари, бу белги ирсийланишида реципрок фарқланишлар мавжудлиги ва оналик шаклининг таъсири кучли эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

*G. hirsutum* L. турининг Л-45 линияси популяциясида селекцион ишларни олиб бориш асосида ғўзанинг истиқболли “ЎзФА- 703” нави яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди;

селекцион ишларни олиб бориш асосида хорижий *Dunn-119* нав намунаси популяциясидан аналитик селекция йўли билан олинган *L-7* линиясидан ҳосилдор, ўрта толали «Самара» ғўза нави яратилди ва нав Давлат нав синовиди синалмоқда;

*G.barbadense* L. турининг тезпишарлик ва маҳсулдорлик бўйича юқори комбинацион қобилиятга эга маҳаллий Сурхон-9 ва Термиз-32 навларини ўзаро частиштириш ва дурагай популяциясида селекцион ишларни олиб бориш асосида олинган *L-449* линиясидан қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга «Марварид» нави яратилди, Давлат нав синовига топширилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди;

ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилиқ селекциясида бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ўрта ва ингичка толали навлар ҳамда линиялар аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кўп йиллик тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва уларнинг апробация комиссияси томонидан юқори баҳолангани, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши ва статистик таҳлили, қилинган хулосаларнинг илмий ва амалий асослангани, илмий тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ва республика илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ҳамда етакчи маҳаллий илмий нашрларда ва импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилгани, ўрта толали «ЎзФА-703», «Самара», ингичка толали «Марварид» ғўза навлари яратилгани ва ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G.hirsutum* L. турининг  $F_1$  ва  $F_2$  ўсимликларида физиологик ва морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва корреляциясининг гибридологик таҳлили, *G.hirsutum* L. тури навлари ва линияларининг тупроқдаги сув танқислигига мослашувининг морфофизиологик ва генетик хусусиятлари аниқлангани, физиологик, морфоҳўжалик ва генетик-селекцион кўрсаткичлар намоён бўлишининг генотипик таркиб билан бир қаторда уруғ шаклланиши ва ўсимликни етиштиришдаги сув билан таъминланганлик шароитларига боғлиқлиги аниқлангани, турлараро дурагайлашда мослашувчанлик гетерозисининг ва *G.barbadense* L. тури навлари ва линияларининг сув стрессига таъсирчанлик бўйича генотипик фарқланишлари хусусиятлари аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти моделлаштирилган қурғоқчилик фонидан фойдаланилгани, физиологик ва генетик-селекцион тадқиқот усулларининг биргаликда қўлланилгани, туричи ва турлараро дурагайлашда репродуктив ва мослашувчанлик гетерозисининг самаралари баҳолангани, қурғоқчиликка чидамлилиқ селекцияси учун бошланғич манба сифатида чидамли ғўза навлари, линиялари ва дурагай комбинациялари ажратилгани, маҳаллий ингичка толали навларнинг донорлик потенциалидан янги селекцион манба яратишда фойдаланилгани, уруғларни тупроқда сув

танқислиги шароитида олишнинг ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилигини оширишдаги самараси аниқлангани, ўрта толали «ЎзФА-703», «Самара» ва ингичка толали «Марварид» ғўза навлари яратилгани ва ишлаб чиқаришга жорий қилингани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўзанинг тупроқдаги сув танқислигига мослашувининг морфофизиологик ва генетик хусусиятларини таҳлил қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«ЎзФА-703» ғўза навига Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (№ NAR 00113 2012 й.) олинган ва ушбу нав 3 минг гектар экин майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 октябрдаги 02/020-215-сон маълумотномаси). Натижада, янги навнинг экилаётган ўрта толали навларга нисбатан устунлиги асосида юқори ва сифатли пахта ҳосилини олиш имконини берган;

ғўза барглари хлорофиллининг флуоресценцияси ва бошқа физиологик кўрсаткичларига сув билан таъминланганлик шароитларининг таъсирини аниқлаш бўйича олинган натижаларга 3дан ортиқ юқори импакт факторли журналларда цитаталар келтирилган ва ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилигининг морфофизиологик хусусиятларини таҳлил қилишда фойдаланилган (Research Gate, Web of Science) (J. Frontiers in Plant Science, 2017, V.8, Research Gate, IF 4,30; J. of Stress Physiology and Biochemistry, 2014, V.10, №3, Research Gate, IF 2,83; J. Photosynthetica, 2010, V.48, Research Gate, IF 1,74; J. Molecular Stress Physiology of Plants, 2013, Research Gate, IF 2,83) Натижада, ўсимликларнинг сув танқислигига чидамлилигини аниқлаш, физиологик белгиларнинг қимматли-хўжалик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини баҳолаш, ўсимлик барглари хлорофилли флуоресценциясига қурғоқчиликнинг таъсирини асослаш имконини берган.

Л-100, Л- НSt ва Л-9 линиялари ҚХА-8-044 “Вилтга чидамли, андоза навларга нисбатан тола ҳосили бўйича 25-30 % га устун бўлган навни яратиш ва Давлат комиссиясининг грунтназоратига топшириш” лойиҳада мураккаб дурагайлашда фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг 2019 йил 21 октябрь Т- 9/02-1043-сон маълумотномаси). Натижада вилтга бардошли ва сув танқислигида юқори ҳосил берадиган оилаларни ажратиб олиш ва улар билан селекция ишларини олиб бориш имконини берган.

қурғоқчиликка чидамли ўрта толали Л-100, Л- НSt ва Л-9 линиялари «Ғўза генофонди» ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 16 октябрдаги 4/1255-2740-сон маълумотномаси). Натижада, бу линиялар ўрта толали ғўза коллекцияси хилма-хиллигини бойитиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган. Улардан 1 таси монография, 1 таси

патент, 17 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, яъни 14 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 198 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**“Кириш”** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **”Генотип-муҳит” ўзаро таъсири, сув билан таъминланганлик шароитларининг ўсимликларнинг морфоҳўжалик ва физиологик кўрсаткичларига таъсири**” да диссертация мавзусининг мақсад ва вазифалари бўйича республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқотларнинг шарҳи, жумладан генотип-муҳит ўзаро таъсири ва ўсимликларнинг сув танқислигига реакцияси, сув билан таъминланганлик шароитларининг морфоҳўжалик ва физиологик белгиларга таъсири, ғўза сув билан турлича таъминланганлик шароитларида бу белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва корреляциясини ўрганиш бўйича олинган илмий ва амалий натижаларнинг чуқур таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тадқиқотларнинг объекти, шароити ва усуллари”** да тажриба объекти ва ўтказиш шароитлари, тадқиқотларда қўлланилган генетик-селекцион, физиологик ва статистик усуллар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ўрта толали ғўза навларида физиологик ва морфоҳўжалик кўрсаткичлар ва уларнинг дурагайларда ирсийланиши”** да сув билан оптимал ва кам таъминланганлик шароитларида ўрта толали ғўзада физиологик ва морфоҳўжалик белгиларни ўрганиш, бу белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлиги бўйича олинган натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Биринчи бўлим **”Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида географик узоқ ўрта толали ғўза навларининг физиологик ва морфоҳўжалик кўрсаткичлари, уларнинг дурагайларда ирсийланиши”**да ўрта толали ғўзанинг панжасимон - қирқимли баргли хорижий навлари ва панжасимон қирқилган баргли  $F_1$  ўсимликлари сув билан турлича таъминланганлик шароитларида барглардаги сув миқдори (БСМ) бўйича генотипик

полиморфизмга эга эканликлари кўрсатилган. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида БСМ  $F_1$  да асосан салбий ўта доминантлик ва БСМ паст бўлган навнинг тўлиқсиз доминантлиги ҳолатларида ирсийланди. Тупроқдаги сув танқислигига навлар ва дурагайлар БСМни турли даражада камайтириш билан мослашдилар. Сув билан турлича таъминланганлик шароитларига бу белги бўйича кучсиз реакция *La okra leaf-2*, G-203-5 ва Юлдуз навларида, БСМнинг кескин пасайиши эса АН-Чилляки-1, Самарканд-3 ва Фарход навларида қайд этилди. Сув стрессиди БСМ асосан салбий ўта доминантлик типиди ирсийланди. БСМ бўйича салбий гетерозисга эга  $F_1$  комбинациялари сонининг ортиши бу белги бўйича сув танқислигига бошланғич генотипларга нисбатан дурагай генотипларининг кучлироқ таъсирчанлик намоён этишларини кўрсатади.

Баргларнинг сув ушлаш хусусияти (БСУХ)  $F_1$  ўсимликларида сув билан оптимал таъминланганлик шароитларида асосан салбий ўта доминантлик, тупроқда сув танқислигида эса салбий ўта доминантлик ва юқори БСУХга эга навнинг тўлиқсиз доминантлиги ҳолатларида ирсийланди (1-жадвал). Сув стресси шароитида юқори БСУХ АН-Чилляки-1, *La okra leaf-2* ва уларнинг дурагайларида қайд этилди, белгининг паст кўрсаткичларига эса *Okra leaf acala*, Самарканд-3 навлари ва уларнинг дурагайлари эга бўлдилар. Юлдуз навининг *La okra leaf-2* ва АН-Чилляки-1 навининг *Okra leaf acala* билан дурагайларида реципрок фарқланишнинг мавжудлиги бу белгининг генетик назоратида цитоплазматик генларнинг ҳам иштирок этишини кўрсатади. Тупроқ қурғоқчилиги шароитида  $F_2$  Юлдуз х G-203-5 ва  $F_2$  Самарканд-3 х G-203-5 комбинацияларида БСУХ бўйича ўзгарувчанлик кўлами 12 тадан синфни ўз ичига олди. Ота ёки она шаклдаги БСУХнинг юқори кўрсаткичлари  $F_2$  ўсимликларининг ҳаммасида ҳам наслдан-наслга берилмади ва доимо ҳам қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичлари БСУХ нинг юқорилиги билан боғлиқ бўлмади. Самарканд-3 х G-203-5 комбинациясининг  $F_1$  авлодига нисбатан  $F_2$  сида сув танқислигига таъсирчанликнинг пасайиши мослашувчанлик жараёнларига жавоб берувчи генларнинг рекомбинацияси ва ижобий жамланиши асосидаги кенг морфогенетик шаклланиш жараёни билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иккинчи бўлим “Дурагайлаш усуллари ва сув билан таъминланганлик шароитларининг маҳаллий ўрта толали ғўза навларининг  $F_1$  ида физиологик ва морфоҳўжалик белгиларининг намоён бўлиши ва ирсийланишига,  $F_2$  авлодида маҳсулдорликнинг ўзгарувчанлигига таъсири”да маҳаллий ўрта толали ғўза навларининг оддий (навлараро) ва мураккаб ( $F_1 \times F_1$ ) дурагайлари да ўсимликлар сув алмашинувининг физиологик кўрсаткичлари ва морфоҳўжалик белгиларининг қиёсий таҳлили натижалари келтирилган. Барглардаги сув миқдори кўрсаткичлари ота-она шакллар комбинацияси ва сув билан таъминланганлик шароитларига боғлиқ бўлди.

Сув билан оптимал таъминланганликка нисбатан сув билан кам таъминланганлик шароитларида барча генотипларда барглардаги сув миқдори (БСМ) камайиши кузатилди. Бунда БСМ нинг кўрсаткичлари

навларда 73,3% -77,0%, оддий F<sub>1</sub> дурагайларида 73,9%-76,9% ва мураккаб F<sub>1</sub> дурагайларида 74,6%-76,6% ни ташкил этди.

1-Жадвал

Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида навлар ва F<sub>1</sub> дурагайларида баргларнинг сув ушлаш хусусияти,%

Навлар, F <sub>1</sub> дурагайлари	ОФ			МҚ			Кмос, %
	Х	hp	Гете ро- зис,%	Х	hp	Гете ро- зис, %	
Юлдуз	37,6	-	-	12,6	-	-	-66,5
АН-Чилляки-1	38,0	-	-	9,0	-	-	-76,3
Самарқанд - 3	38,9	-	-	17,7	-	-	-54,5
Фархад	33,8	-	-	16,0	-	-	-52,7
<i>Okra leaf acala</i>	45,0	-	-	19,9	-	-	-55,8
<i>La okra leaf-2</i>	34,4	-	-	9,8	-	-	-71,5
G-203-5	36,4	-	-	13,5	-	-	-62,9
Юлдуз х <i>Okra leaf acala</i>	37,2	-1,1	-	14,6	-0,5	-	-60,8
<i>Okra leaf acala</i> х Юлдуз	31,2	-2,7	83,0	16,5	0,1	-	-47,1
Юлдуз х <i>La okra leaf-2</i>	29,8	-3,9	86,6	8,8	-1,7	-	-70,5
<i>La okra leaf-2</i> х Юлдуз	32,1	-2,4	93,3	11,1	-0,1	-	-65,4
Юлдуз х G-203-5	35,3	-2,8	-	8,7	-9,7	69,0	-75,4
G-203-5 х Юлдуз	37,6	1,0	-	10,7	-5,2	84,9	-71,5
АН-Чилляки-1 х <i>Okra leaf acala</i>	26,9	-4,2	70,8	12,3	-0,4	-	-54,3
<i>Okra leaf acala</i> х АН-Чилляки-1	31,1	-3,0	81,1	15,7	0,2	-	-49,5
АН-Чилляки-1 х <i>La okra leaf-2</i>	38,3	1,2	-	7,9	-4,8	-	-79,4
<i>La okra leaf-2</i> х АН-Чилляки-1	36,6	0,2	-	6,8	-6,5	75,6	-81,4
АН-Чилляки-1 х G-203-5	32,6	-5,8	89,6	12,6	0,6	-	-61,3
G-203-5 х АН-Чилляки-1	33,4	-4,8	91,8	11,4	0,1	-	-65,9
Самарқанд-3 х <i>Okra leaf acala</i>	32,6	-3,1	83,8	18,7	-0,1	-	-42,6
<i>Okra leaf acala</i> х Самарқанд-3	36,9	-1,7	94,9	16,2	-2,4	-	-56,1
Самарқанд-3 х <i>La okra leaf-2</i>	28,8	-3,5	83,7	16,0	-0,6	-	-44,4
<i>La okra leaf-2</i> х Самарқанд-3	31,5	-2,3	91,6	14,3	0,1	-	-54,6
Самарқанд-3 х G-203-5	42,8	4,1	110,0	14,4	-0,6	-	-66,4
G-203-5 х Самарқанд-3	41,3	2,9	106,2	12,7	-1,4	-	-69,2
Фархад х <i>Okra leaf acala</i>	44,1	0,8	-	16,7	-0,6	-	-62,1
<i>Okra leaf acala</i> х Фархад	36,8	-0,5	-	17,2	-0,4	-	-53,3
Фархад х <i>La okra leaf-2</i>	31,3	-9,3	95,4	10,8	-0,7	-	-65,5
<i>La okra leaf-2</i> х Фархад	33,6	-1,7	-	12,1	-0,3	-	-64,0
Фархад х G-203-5	31,6	-2,7	93,5	11,9	-2,3	-	-62,3
G-203-5 х Фархад	34,1	-0,8	-	11,4	-2,7	84,4	-66,6
ЭКФ <sub>05</sub>	1,3			1,6			

Изох:ОФ- оптимал сув режими фони; МҚ- моделлаштирилган курфоқчилик

Сув стрессиди оддий ва мураккаб F<sub>1</sub> дурагайларида бу белги асосан кўрсаткичи юқори бўлган шаклнинг тўлиқсиз доминантлиги ва ижобий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланди. Сув танқислиги шароитида ўсимлик

баргларидаги сув миқдорининг юқори бўлиши доимо ҳам ушбу стрессга чидамлилиқ билан боғлиқ бўлмади. Шу билан бирга, сув стресси шароитида барглардаги сув миқдорининг назоратдагига нисбатан кескин камайиши (С-9081) нав чидамсизлигининг кўрсаткичи бўлиши мумкин.

Сув стрессига генотиплар транспирация жадаллиги (ТЖ) ни пасайтириш билан мослашдилар. Бунда Ишонч ва С-9082 навлари сувни кўпроқ (мос равишда 159,72 мг ва 154,32 мг) буғлатдилар, Навбахор-2 эса баргларнинг энг паст (114,40 мг) ТЖ ига эга бўлди. Оддий  $F_1$  дурагайларида юқори ТЖ Ишонч х С-9081 комбинациясида (165,92 мг), энг паст кўрсаткич эса Навбахор-2 х АН-16 комбинациясида (122,32 мг) қайд этилди. Тупроқдаги сув танқислиги фонида ТЖ белгиси 10та оддий  $F_1$  дурагайдан 5тасида ижобий ўта доминантлик, 2 тасида салбий ўта доминантлик, 2тасида барглардаги ТЖ паст бўлган навнинг тўлиқсиз доминантлиги ва битта комбинацияда барглардаги ТЖ юқори бўлган навнинг тўлиқсиз устунлиги ҳолатларида ирсийланди (2-жадвал).

Тупроқда сув танқислиги шароитида мураккаб  $F_1$  дурагайларида барглардаги энг юқори ТЖ (Навахор-2 х АН-16) х (Ишонч х С-9082) ва энг паст ТЖ (Навахор-2 х Ишонч) х (АН-16 х С-9081) комбинацияларида аниқланиб, мос равишда 162,78 мг ва 100,84мг ни ташкил этди. Бу шароитларда барглардаги ТЖ белгиси 12 та мураккаб  $F_1$  комбинациясидан 4 тасида манфий ўта доминантлик, 2 тасида барглардаги ТЖ паст бўлган ота-она шаклнинг тўлиқсиз устунлиги, 2 тасида барглардаги ТЖ паст бўлган ота-она шаклнинг тўлиқ устунлиги, 2 тасида барглардаги ТЖ юқори бўлган ота-она шаклнинг тўлиқсиз устунлиги ва 2 та комбинацияда ижобий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланди. Мослашувчанлик коэффициенти навларда -12,5% дан то -37,6% гачани, оддий  $F_1$  дурагайларида -2,8% дан то -33,3% гачани ва мураккаб  $F_1$  дурагайларида -3,2% дан то -42,9% гачани ташкил этди, яъни генотипик таркибнинг мураккаблашиб боргани сари (навлар - оддий  $F_1$  дурагайлари - мураккаб  $F_1$  дурагайлари) мослашувчанлик коэффицентлари ўртасидаги фарқнинг катталашиб боргани (мос равишда 25,1%, 30,5% ва 39,7% га) кузатилди. Олган натижаларимизга кўра, чидамсиз С-9081 ва чидамли С-9082 навларининг БСУХ кўрсаткичлари бўйича статистик фарқланмаслиги доимо ҳам БСУХнинг паст кўрсаткичлари курфоқчиликка чидамсизлик билан боғланавермаслигини кўрсатади.


Сув билан оптимал таъминланганликка нисбатан тупроқда сув танқислиги шароитида барча ўрганилган генотипларда ўсимликларнинг умумий маҳсулдорлиги турли даражада камайди. Бунда, маҳсулдорликнинг энг юқори кўрсаткичлари Ишонч, С-9082 ва Навбахор -2 навларида бўлиб, битта ўсимликка мос равишда ўртача 64,2г.; 63,6г.; 60,4г.ни, энг паст маҳсулдорлик С-9081 навида бўлиб, ўртача 54,7 граммни ташкил этди. Сув стрессига барча 10 та оддий  $F_1$  дурагайларида белги ижобий ўта доминантлик, мураккаб  $F_1$  дурагайларида ижобий ва салбий ўта доминантлик ҳамда маҳсулдорлиги юқори ёки паст бўлган шаклнинг тўлиқсиз доминантлиги ҳолатларида ирсийланди. Тупроқда сув танқислиги шароитида



Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида навлар ва F<sub>1</sub> дурагайларида барглардаги транспирация жадаллиги, мг Н<sub>2</sub>О/ г хўл барг х соат

№	Материал	ОФ	hp	Гетер .,%	МК	hp	Гетер ., %	Кмос .,%
1	Навбахор-2	183,47	-	-	114,40	-	-	-37,6
2	Ишонч	182,49	-	-	159,72	-	-	-12,5
3	АН-16	173,31	-	-	148,64	-	-	-14,2
4	С-9081	195,31	-	-	148,37	-	-	-24,0
5	С-9082	185,68	-	-	154,32	-	-	-16,9
6	Навбахор-2 х Ишонч	165,62	-35,4	90,8	154,58	0,8	-	-6,7
7	Навбахор-2 х АН-16	183,27	1,0	-	122,32	-0,5	82,3	-33,3
8	Навбахор-2 х С-9081	167,88	-3,6	91,5	149,43	1,1	-	-11,0
9	Навбахор-2 х С-9082	184,86	0,3	-	126,09	-0,4	81,7	-31,8
10	Ишонч х АН-16	177,84	-0,01	-	160,21	1,1	-	-9,9
11	Ишонч х С-9081	173,23	-2,4	94,9	165,92	2,1	96,0	-4,2
12	Ишонч х С-9082	185,09	0,6	-	153,26	-1,4	-	-17,2
13	АН-16 х С-9081	226,97	3,9	116,2	157,69	68,0	106,1	-30,5
14	АН-16 х С-9082	161,30	-2,9	93,1	156,78	1,9	-	-2,8
15	С-9081 х С-9082	184,71	-1,2	-	129,80	-7,2	87,5	-29,7
16	(Навбахор-2 х Ишонч) х(АН-16 х С-9081)	176,46	-0,6	77,9	100,84	-35,6	65,2	-42,9
17	(Навбахор-2 х АН-16) х(Ишонч х С-9082)	168,11	-17,7	91,7	162,78	1,6	106,2	-3,2
18	(Навбахор-2 х Ишонч) х(АН-16 х С-9082)	153,31	-4,7	95,0	113,19	-38,6	73,2	-26,2
19	(Навбахор-2 х АН-16) х(Ишонч х С-9081)	171,91	-1,3	-	127,21	-0,8	76,7	-26,0
20	(Навбахор-2 х С-9082) х(Ишонч х АН-16)	165,39	-4,5	93,0	139,25	-0,2	86,9	-15,8
21	(Навбахор-2 х АН-16) х(С-9081 х С-9082)	148,68	-49,0	81,1	121,54	-1,2	-	-18,3
22	(Ишонч х С-9082) х(Навбахор-2 х АН-16)	175,37	-9,7	95,7	140,61	0,2	91,7	-19,8
23	(Ишонч х С-9082) х(Навбахор-2 х С-9081)	171,73	-0,6	92,8	157,79	3,4	-	-8,1
24	(Ишонч х АН-16) х(Навбахор-2 х С-9081)	158,44	-2,9	94,4	115,75	-7,2	77,5	-26,9
25	(Ишонч х С-9081) х(Навбахор-2 х С-9082)	179,85	0,1	97,3	154,73	0,4	93,3	-14,0
26	(Ишонч х АН-16)х (Навбахор-2 х С-9082)	163,99	-4,9	92,2	126,87	-1,0	79,2	-22,6
27	(Ишонч х АН-16)х (С-9081 х С-9082)	138,09	-12,6	77,6	129,84	-1,0	81,0	-6,0
	ЭКФ <sub>05</sub>	3,63			3,89			

барча ўрганилган  $F_2$  комбинацияларида маҳсулдорлик бўйича ижобий трансгрессия мавжудлиги аниқланди (1-расм), бу эса мослашувчанлик селекцияси учун жуда муҳим бўлиб,  $F_2$  дан бошлаб қурғоқчиликка чидамлилиқни юқори маҳсулдорлик билан уйғунлаштирган ўсимликларни танлаб олиш имконини беради.



1-расм. Моделлаштирилган қурғоқчилик шароитида оддий ва мураккаб  $F_2$  комбинацияларида маҳсулдорлик бўйича трансгрессив ўзгарувчанлик.

Маҳсулдорлик бўйича вариация коэффициенти ( $V\%$ ) нинг кўрсаткичлари ота-она шаклларига нисбатан оддий ва мураккаб  $F_2$  дурагайларида белгининг катта ўзгарувчанлигини кўрсатди. Наслдан-наслга берилиш коэффициенти ( $h^2$ ) Ишонч x АН-16 комбинациясида 0,49 дан Навбахор-2 x С-9082 ва Ишонч x С-9082 комбинацияларида 0,64 гачани ташкил этди. Бу маҳсулдорлик белгисининг наслдан-наслга берилишида генотипнинг хиссаси ўртача эканлигини кўрсатади.  $h^2$  нинг ўртача кўрсаткичлари ота-она шакллари нинг маҳсулдорлик бўйича бир-бирига яқин эканликлари туфайли бўлиши мумкин. Олинган натижалар маҳсулдорлик белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти нинг ота-она шакллари билан бир қаторда сув билан таъминланганлик шароитларига ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Бобнинг учинчи бўлими ”Уруғлар шаклланиши ва ўсимликларни етиштиришда сув билан таъминланганлик шароитларининг физиологик, морфоҳўжалик ва генетик-селекцион кўрсаткичларга таъсири” да қуйидаги вариантларда олинган натижалар келтирилган: 1- вариант – навлар ва  $F_0$  уруғлари сув билан оптимал таъминланганлик шароитида шаклланган ва кейинги йилда навлар ва  $F_1$  дурагайлари шу шароитда етиштирилган (назорат); 2- вариант – навлар ва  $F_0$  уруғлари сув билан оптимал таъминланганлик шароитида шаклланган ва кейинги йилда навлар ва  $F_1$  дурагайлари сув билан кам таъминланганлик шароитида етиштирилган; 3- вариант – навлар ва  $F_0$  уруғлари сув билан кам таъминланганлик шароитида

шаклланган ва кейинги йилда навлар ва  $F_1$  дурагайлари шу шароитда етиштирилган. 1- вариантда барглардаги сув миқдори (БСМ) ота-она навларда 73,6% дан (Ишонч) то 75,0 % гачани (Келажак),  $F_1$  дурагайларида эса 73,4% дан (Келажак х Ишонч) то 75,9% (Бухоро-102 х Ишонч) гачани ташкил этди (3-жадвал). Бу вариантда БСМ  $F_1$  дурагайларида асосан ижобий ва салбий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланди. Назоратга нисбатан, 2-вариантда ўрганилган барча ота-она ва дурагай генотипларида БСМ турли даражада камайди ва турли ҳолатларда ирсийланди. Тупрокда сув танқислигига БСМ бўйича нисбатан кучли реакция Бухоро-102 х Келажак ва Келажак х Гулбаҳор-2 комбинацияларида кузатилди. Сув билан кам таъминланганлик шароитига БСМ бўйича кучсиз таъсирчанликка Ишонч нави ва  $F_1$  комбинациялари - Келажак х Ишонч ва Бухоро-102 х Гулбаҳор-2 эга бўлдилар.

3-вариантда ҳам навлар ва уларнинг диаллел  $F_1$  дурагайлари назорат (1-вариант) га нисбатан БСМ нинг паст кўрсаткичларига эга бўлдилар ва у навлар гуруҳида 68,1% дан то 71,0%,  $F_1$  дурагайлари гуруҳида эса 69,3% дан то 71,2% гачани ташкил этди. Бу вариантда БСМ  $F_1$  дурагайларида турли ҳолатларда ирсийланди. 2 ва 3- вариантларни БСМ бўйича таққослаш улар ўртасида фарқланишлар мавжудлигини кўрсатди. Бунда кўплаб ота-она ва дурагай генотипларида БСМ 2- вариантдагидан кўра 3-вариантда юқорирок бўлди. Бу уруғлар шаклланиши ва ўсимликларни етиштиришда сув билан таъминланганлик шароитлари кейинги авлодда БСМ кўрсаткичларига таъсир этишини кўрсатади (3-жадвал). 3- вариантда ўрганилган генотиплар барглардаги ТЖ бўйича ҳам 1-вариантга нисбатан паст кўрсаткичларга эга бўлдилар. 2-вариантга нисбатан 3- вариантда барглардаги ТЖ кўрсаткичи Гулбаҳор-2 ва Ишонч навларида сезиларли ошди. 5та дурагай комбинацияларида ҳам баргларнинг ТЖ кўрсаткичлари ошганлиги кузатилди. Келажак ва Бухоро-102 навларида белгининг кўрсаткичи қарийб ўзгармади, 5та дурагай комбинацияларида барглардаги ТЖ пасайди ва 2та дурагай комбинацияларида барглардаги ТЖ кўрсаткичи 1-вариантдагидан ишончли фарқланмади. Бу натижалар уруғ шаклланиши ва ўсимликларни етиштиришда сув билан таъминланганлик шароитларига боғлиқ равишда навлар ва  $F_1$  дурагайларида барглардаги ТЖ бўйича тупрокдаги сув танқислигига турлича генотипик таъсирчанликка эга эканликларини кўрсатади. 2-вариантга нисбатан, 3- вариантда БСУХ Келажак ва Бухоро-102 ғўза навларида мос равишда 36,4% ва 26,6% га ошди. Бу ҳолат 6 та дурагай комбинацияларида ҳам кузатилди. Гулбаҳор-2 ва Ишонч навларида эса мос равишда 53,5% ва 35,4% га камайди. Келажак навининг дурагайларида ва Ишонч х Гулбаҳор-2 комбинациясида ҳам БСУХ камайгани қайд этилди.  $F_1$  Ишонч х Бухоро-102 ва Бухоро-102 х Келажак дурагай комбинациялари БСУХ бўйича сув билан таъминланганлик шароитларининг ўзгаришига сезиларли таъсирчанлик кўрсатмадилар. Шундай қилиб, натижалар таҳлили ўсимликлар сув алмашинувининг физиологик кўрсаткичлари, жумладан барглардаги сув миқдорининг уруғлар шаклланиши ва ўсимликларни

етиштиришда сув билан таъминланганлик шароитларига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши ва ирсийланишини кўрсатди.

3-жадвал

Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ғўза навларида баргларида сув микдори (%) ва унинг F<sub>1</sub> дурагайларида ирсийланиши

№	Навлар, F <sub>1</sub>	X 1- вар.	hp	X 2 - вар.	hp	X 3- вар.	hp	Кмос, %		
								2- вар. 1- вар- т дан	3- вар. 1- вар- т дан	3- вар. 2 - вар- т дан
1	Келажак	75,0	-	68,9	-	68,1	-	-8,1	-9,2	-1,2
2	Гулбаҳор-2	74,7	-	67,1	-	69,2	-	-10,1	-7,3	+3,2
3	Ишонч	73,6	-	68,7	-	71,0	-	-6,7	-3,5	+3,4
4	Бухоро-102	74,9	-	68,6	-	70,9	-	-8,5	-5,3	+3,4
5	Келажак х хГулбаҳор-2	74,2	-4,1	67,5	-0,6	70,5	3,3	-9,1	-5,0	+4,5
6	Келажак х хИшонч	73,4	-1,2	68,4	0,2	69,3	-0,2	-6,8	-5,6	+1,3
7	Келажак х х Бухоро-102	75,2	12,5	68,6	-1,0	71,2	1,2	-8,8	-5,4	+3,8
8	Гулбаҳор-2 х хКелажак	74,2	-3,9	68,9	1,0	70,6	3,5	-7,1	-4,8	+2,5
9	Гулбаҳор-2 х хИшонч	74,3	0,1	69,0	1,4	69,4	-0,8	-7,0	-6,6	+0,6
10	Гулбаҳор-2 х хБухоро-102	75,3	4,1	69,0	1,5	70,3	0,3	-8,4	-6,7	+2,0
11	Ишонч х хКелажак	75,0	1,0	68,5	0,4	69,7	0,1	-8,6	-7,1	+1,7
12	Ишонч х х Гулбаҳор-2	74,8	1,3	68,2	0,4	70,6	0,5	-8,8	-5,7	+3,4
13	Ишонч х хБухоро-102	74,2	-0,03	67,9	-13,8	70,3	-22,3	-8,5	-5,3	+3,5
14	Бухоро-102 х хКелажак	75,7	39,0	68,7	-0,3	71,1	1,1	-9,3	-6,1	+3,5
15	Бухоро-102 х хГулбаҳор-2	74,9	1,0	69,8	2,6	70,1	-0,01	-6,9	-6,5	+0,4
16	Бухоро-102 х Ишонч	75,9	2,4	70,0	27,6	70,2	-25,7	-7,8	-7,5	+0,3
	ЭКФ <sub>05</sub>	0,6		0,7		0,6				

Ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича 1-вариантда энг юқори кўрсаткичларга Ишонч нави (82,5 г.) ва Гулбаҳор-2 х Бухоро-102 (97,4г.) комбинацияси эга бўлдилар (4-жадвал). Бу вариантда F<sub>1</sub> дурагайларида маҳсулдорлик асосан ўта доминантлик типиди ирсийланди, баъзи ҳолатларда ота-она шакллариинг бирининг тўлиқсиз доминантлик қилиши қайд этилди. 2-вариантда ота-она ва дурагай генотипларда ўсимлик маҳсулдорлиги турли

Навлар ва уларнинг  $F_1$  комбинацияларида ўсимлик маҳсулдорлиги (г/ўсимлик)

№	Навлар, $F_1$	1-вариант			2-вариант				3-вариант				
		X	hp	Гет, %	X	hp	Гет, %	Кмос. % 1-вар- тдан	X	hp	Гет, %	Кмос. % 1-вар- тдан	Кмос. % 2-вар- тдан
1	Келажак	72,0	-	-	52,5	-	-	-27,1	70,0	-	-	-2,8	+33,3
2	Гулбаҳор-2	63,6	-	-	51,5	-	-	-19,0	61,9	-	-	-2,7	+20,2
3	Ишонч	82,5	-	-	54,4	-	-	-34,1	62,8	-	-	-23,9	+15,4
4	Бухоро-102	73,5	-	-	48,4	-	-	-34,1	65,2	-	-	-11,3	+34,7
5	Келажак х Гулбаҳор-2	62,1	-1,4	97,6	60,1	16,2	114,5	-3,2	58,8	-1,8	95,0	-5,3	-2,2
6	Келажак х Ишонч	89,6	2,4	108,6	58,4	5,2	107,4	-34,8	66,7	0,08	-	-25,6	+14,2
7	Келажак х Бухоро-102	89,1	21,8	121,2	53,0	1,2	101,0	-40,5	53,8	-5,8	82,5	-39,6	+1,5
8	Гулбаҳор-2 х Келажак	87,9	4,8	122,1	49,5	-5,0	96,1	-43,7	57,4	-2,1	92,7	-34,7	+16,0
9	Гулбаҳор-2 х Ишонч	74,8	0,2	-	62,8	6,8	115,4	-16,0	73,2	24,1	116,6	-2,1	+16,6
10	Гулбаҳор-2 х Бухоро-102	97,4	5,8	132,5	44,4	-3,6	91,7	-54,4	66,1	1,5	101,4	-32,1	+48,9
11	Ишонч х Келажак	62,2	-2,9	86,4	55,6	2,3	102,2	-10,6	63,8	-0,7	-	+2,6	+14,7
12	Ишонч х Гулбаҳор-2	84,2	1,2	102,1	61,8	6,1	113,6	-26,6	84,5	49,2	134,6	+0,4	+36,7
13	Ишонч х Бухоро-102	76,7	-0,3	-	50,4	-0,3	-	-34,3	61,3	-2,3	97,6	-20,1	+21,6
14	Бухоро-102 х Келажак	70,2	-3,4	97,5	58,6	4,0	111,6	-16,5	62,4	-2,2	95,7	-11,1	+6,5
15	Бухоро-102 х Гулбаҳор-2	74,5	1,2	101,4	53,8	2,5	104,5	-27,8	61,6	-1,2	99,5	-17,3	+14,5
16	Бухоро-102 х Ишонч	77,7	-0,1	-	65,3	4,6	120,0	-16,0	75,3	9,4	115,5	-3,1	+15,3
	ЭКФ <sub>05</sub>	5,7			6,5				6,2				

Изоҳ: 1- вариант – навлар ва  $F_0$  уруғлари сув билан оптимал таъминланганлик шароитида шаклланган ва кейинги йил навлар ва  $F_1$  дурагайлари шу шароитда етиштирилган (назорат); 2- вариант – навлар ва  $F_0$  уруғлари сув билан оптимал таъминланганлик шароитида шаклланган ва кейинги йил навлар ва  $F_1$  дурагайлари сув билан кам таъминланганлик шароитида етиштирилган; 3- вариант – навлар ва  $F_0$  уруғлари сув билан кам таъминланганлик шароитида шаклланган ва кейинги йил навлар ва  $F_1$  дурагайлари шу шароитда етиштирилган.

даражада камайди. Бунда ўрганилган навлар маҳсулдорлик белгиси бўйича яқин кўрсаткичларга эга бўлдилар ва у битта ўсимликда ўртача 48,4г. дан то 54,4 граммгачани ташкил этди. Бу вариантда нисбатан юқори маҳсулдорлик Гулбаҳор-2 навининг Ишонч билан реципрок дурагайларида (62,8г. ва 61,8г.) ҳамда Бухоро-102 х Ишонч (65,3г.) комбинациясида бўлди. Бу вариантда  $F_1$  дурагайларида маҳсулдорлик белгиси ўта доминантлик ва фақат битта ҳолатда тўлиқсиз доминантлик типларида ирсийланди (4-жадвал). Мослашувчанлик гетерозиси Бухоро-102 х Ишонч (120,0%), Гулбаҳор-2 х Ишонч (115,4%), Келажак х Гулбаҳор-2 (114,5%), Ишонч х Гулбаҳор-2 (113,6%) ва Бухоро-102 х Келажак (111,6%) комбинацияларида қайд этилди. Ўрганилган генотипларнинг тупроқдаги сув танқислигига генотипик реакциясига боғлиқ равишда, 1-вариантга нисбатан 2-вариантда маҳсулдорлик бошланғич навлар гуруҳида 19,0-34,1%,  $F_1$  дурагайлари гуруҳида эса 10,6-54,4% га камайди. Ўрганилган ота-она навларидан қурғоқчиликка нисбатан энг чидамли сифатида Гулбаҳор-2 навини ажратиш мумкин, бу навда тупроқда сув танқислигида маҳсулдорлик 19,0% га камайди.

3-вариантда юқори маҳсулдорлик Келажак навида (70,0г), Ишонч х Гулбаҳор-2 (84,5г), Бухоро-102 х Ишонч (75,3 г) ва Гулбаҳор-2 х Ишонч (73,2 г) дурагай комбинацияларида қайд этилди. Бу вариантда ўсимлик маҳсулдорлиги  $F_1$  дурагайларида асосан ўта доминантлик, фақат 2 та комбинацияда тўлиқсиз доминантлик типларида ирсийланди. Ўрганилган 12 та  $F_1$  диаллел комбинацияларидан Ишонч навининг Гулбаҳор-2 билан реципрок комбинациялари ва Бухоро-102 х Ишонч комбинациясида маҳсулдорлик бўйича ижобий гетерозис самараси кузатилиб, унинг даражаси мос равишда 134,6%, 116,6% ва 115,5% ни ташкил этди. Нисбатан кучли салбий гетерозис Келажак х Бухоро-102 комбинациясида (82,5%) қайд этилди.

